Ш А Р Т Н О М А № 41

Нукус шахар „17" Янва. 2022 йил

**«Нукус Канс » МЧЖ** бундан буён матнда **«Бажарувчи»** деб аталувчи номидан раҳбари **Кутлумуратов Атабек** ўз фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Халк банк. бундан буён матнда **«Буюртмачи»** деб аталувчи номидан раҳбари А. Утепеков. фаолиятини кўрсатувчи. иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

**1.Шартнома предмети**

1.1. «Бажарувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Буюртмачи»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради. «Буюртмачи» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2

| П/П | Наименование товаров (работ, услуг) | Единица измерения | Количество | Цена | Стоимость поставки | НДС | | Стоимость поставки с учётом НДС |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ставка | сумма | |
| | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | Нафоз А4. | пачки. | 25. | 35000. | 875.000. | | | 875.000 |
| 2 | Термин чек | шт. | 200 | 1500 | 300.000. | | | 300.000 |
| 3 | Дело | шт | 150. | 1400 | 210.000. | | | 210.000 |
| 4 | Пломба | шт | 15. | 28000 | 420.000. | | | 420.000 |
| 5 | Конверт | шт | 1000. | 500 | 500.000 | | | 500.000 |
| 6 | Банкомат чек | шт. | 17. | 40.000 | 680.000 | | | 680.000 |
| 7 | | | | | | | | |
| 8 | | | | | | | | |
| 9 | | | | | | | | |
| 10 | | | | | | | | |
| 26 | Итого | | | | Итого 2985000(~~680.000~~) | | | |

**2. Шартнома нархи, бахоси, суммаси (қиймати)**

2.1. Шартноманинг нархи Итого 2.985.000 (екки миллион тоғыз жүз сексен бес мың сум.)

сум 0 тийинни ташкил қилади

**3. Тўлов шартлари**

3.1 «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг хисоб-рақамига шартномада кўрсатилган махсулот миқдори суммасининг олдиндан ____фоизини ________ банк иш кунида қолган _______ фоизини ______ банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади

3.2 "Буюртмачи" шартноманинг 3.1 банди талабларини бажарган тақдирда "Бажарувчи" хам шартномада кўрсатилган махсулот нархини ўзгармасдан қолишини кафолатлайди.

3.3 "Буюртмачи" шартноманинг 3.1 бандида кўрсатилган тўлов талабларни умуман бажармаса шартнома ўз кучини йўқотади

3.3 Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган пул маблағлари "Буюртмачи" томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, "Ишлаб чиқарувчи" етказиши лозим бўлган қолган махсулот қисмини етказиб бериш муддат шароитидан келиб чиқиладиган сабабларга кўра (иш хақи ошиши, хом-ашёнинг таннархи ошиши, табиий ресурслар ва х.к.) махсулот қийматини оширишга ёки махсулотни етказиб бермаслик хуқуқига эга бўлади. Ушбу холатда махсулотнинг янги нархи томонларнинг қўшимча келишуви билан белгиланади.

3.4. Тўлов тури пул ўтказиш йўли билан**4. Шартноманинг бажарилиш муддати**

4.1.Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган махсулот «Буюртмачи»га шартнома имзолангандан кейин ____ кун вақт ичида берилиши шарт.4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «4» Январ. дан 2022 йил «31» декабрьгача ўз кучида қолади

**5. Тарафлар хуқуқлари**

5.1. «Буюртмачи»нинг хуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотларни ўз вақтида ва сифатли махсулотни етказишни «Бажарувчи»дан талаб қилишга,

5.1.2. «Бажарувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга хақлидир.

5.2. «Бажарувчи»нинг хуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Буюртмачи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Буюртмачи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга хақлидир.

**6. Тарафлар мажбуриятлари**

6.1. «Бажарувчи» мажбурияти

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида «Буюртмачи»га махсулотни етказиб бериш;

32679

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўгрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни ___ кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот бахосини қайтариб бериш.

6.2. «Буюртмачи» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни кабул килиш далолатномасини тузган холда ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни кабул килиб олиш.

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Бажарувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг бахосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

## 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вактида шартнома бандларига тўлик риоя килмаганлиги учун айбдор тараф бошка тарафга етказилган зарарни тўлик коплайди ва кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % микдорда пеня тўлайди лекин тўланадиган пеня микдори шартнома суммасининг 50 % микдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. «Бажарувчи» махсулотни тўлик етказиб бермаганлиги учун «Буюртмачи»га етказиб берилмаган хар кун учун махсулот бахосидан 0,5 % пеня тўлайди, лекин тўланадиган пеня микдори шартномадаги сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вактида алмаштиришдан бош тортса, «Бажарувчи» 5 % микдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Буюртмачи» ўз вактида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган бўлса, маблаг микдоридан 0,4 % пеня тўлайди, лекин 50 % микдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Бажарувчи» омборидан ўз вактида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Буюртмачи» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Бажарувчи»га омборда сакланганлигидан келиб чиккан зарар учун 0,5 % микдорида жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## 8. Форс-мажор холатлари

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боглик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф килиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин.

## 9. Низони хал килиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боглик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан хал килиб бўлмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда Иқдисодий суди оркали хал килинади.

## 10. Шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва кўшимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор килиниши мумкин.

10.3. Ушбу шартномада 1.2 бандида кўрсатилган махсулот адади ўзгарган такдирда махсулот суммаси ўзгаради.

## 11. Бошка холатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошка талаблари: Йук

11.3. Шартномага илова: Йўк

## 12. Тарафларнинг юридик манзилгохи ва тўлов реквизитлари

| «БАЖАРУВЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| « Нукус Канс » МЧЖ | АТ Халык банк. |
| Манзили: Нукус Шахар Ул И,Каримов | МФО 00637. |
| Тел/факс: 913022333 | ИНН 200387573 |
| | Х/Р 19909000800000063792 |
| х/р: 20208000705448692001 | |
| Банк:Нукус шахар «Ипотека банк» АТБ | Упр А. Утепенов |
| МФО: 00621 | |
| ИНН: 30895170 | Юрист |

М.Ў. Кутлумуратов А.К М.Ў. ____________

ш